

Фитрат | Сийрат дарслари (320-дарс)



19:00 / 07.03.2025 2133

603. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Фитрат бештадир: хатна; ҳаром тукларни тозалаш; қўлтиқ (остидаги мўй)ни юлиш; мўйлабни қирқиш; тирноқларни олиш»**, деяётганларини эшитдим».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Фитрат» сўзи бу ўринда «анбиёлардан суннат бўлиб келаётган покланиш» маъносини билдиради.

604. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Биз учун мўйлабни қайчилаш, тирноқларни қисқартиш, қўлтиқ (остидаги мўйлар)ни юлиш ва қовуқни қиришни қирқ кечадан кўпга қолдирмаслигимизга муддат белгиланган».

Муслим ривоят қилган.

605. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким ўзига бино қўйиб кийимини судраб юрса, Қиёмат куни Аллоҳ унга назар солмайди»**, дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, кийимимнинг бир тарафини ушлаб юрмасам, бўшаб, осилиб қолаверади», деди Абу Бакр. **«Сен буни ўзингга**

бино қўйиб қилмайсан-ку!», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

606. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким манманлик билан кийимини судраб юрса, Қиёмат куни Аллоҳ унга назар солмайди»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.